

**Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази
ахборот-библиография бўлими**



**Ўрта Осиёнинг буюк қомусий олими
Абу Али ибн Сино
(980-1037)**

“Шарқ ва ғарб таботати даҳоси” номли

ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТ

Фарғона – 2020

Абу Али ибн Сино
(980-1037)

Ўрта Осиёнинг буюк қомусий олимларидан бири Абу Али ал-Хусайн Абдуллоҳ ибн ал-Хасан ибн Али 980 йил август ойида ҳозирги Бухоро вилоятининг Пешку тумани яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. Унинг отаси Абдуллоҳ Балх шаҳридан бўлиб, Сомонийлар амири Нух ибн Мансур (967-997) даврида Бухорога кўчиб келган ва Хурмайсан қишлоғига молия амалдори этиб тайинланган. Шундан сўнг у бу ерда доимий яшаб Афшона қишлоғида Ситора исмли қизга уйланиб, икки ўғил фарзанд кўради. Ўғилларининг каттаси Хусайн (ибн Сино), кенжаси Маҳмуд эди. Хусайн 5 ёшга киргач, оиласи билан Бухорога кўчиб келадилар ва у шу ерда ўқий бошлайди. 10 ёшга етганда ибн Сино Куръон ва адаб дарсларини тўла ўзлаштириб олади. Айна вақтда у ҳисоб ва алжабр билан ҳам шуғулланади, араб тили ва адабиётни мукаммал эгаллайди. Ибн Синонинг илм соҳасидаги дастлабки устози Абу Абдуллоҳ Нотимий бўлган. У Нотимий кўлида мантиқ, хандаса ва фалакиётни ўрганади ва баъзи фалсафий масалаларда устозидан ҳам ўзиб кетади. Устози унинг илмига юқори баҳо бериб, янада чуқурроқ илм олишни тайинлайди.

Ибн Синонинг тиб илмида юксак маҳоратга эришишида бухоролик бир табиб Абу Мансур ал-Хасан ибн Нух ал-Кумрийнинг хизмати катта бўлган. Ибн Сино ундан табобат дарсини олиб, бу илмнинг кўп сирларини ўрганади.

17 ёшида ибн Сино Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида танилди. У ҳукмдор Нух ибн Мансурни даволайди, эвазига сарой кутубхонасидан фойдаланишга изн сўрайди ва бу имкониятга эга бўлади. Сомонийлар кутубхонаси ўша даврда бутун Ўрта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан бўлган. Ибн Сино бир неча йил давомида шу кутубхонада кечаю кундуз мутолаа билан машғул бўлиб, ўз даврининг энг ўқимишли, билим доираси кенг кишилардан бирига айланади ва шу пайтдан бошлаб ўрта аср фалсафасини мустақил ўрганишга киришади. Абу Наср Форобийнинг “Метафизика”нинг мақсадлари ҳақидаги китобини ўқиб, метафизикани ўзлаштиради.

Ибн Сино барча зарурий билимларни Бухорода олади. У илмий ижодни 18 ёшдан бошлайди. Нух ибн Мансурга атаб нафсоний қувватлар ҳақида рисола “Уржуза” тиббий шеърини асари, ўз дўсти ал-Арузийнинг илтимосига биноан кўп фанларни ўз ичига олган “Ал ҳикмат ал-Арузий” – “Арузий ҳикмати” асарини яратади. Бошқа бир дўсти ал-Барқийнинг илтимосига кўра 20 жилдли “Якун ва натижа” қомусий асари ҳамда 2 жилдли “Саҳоват ва жиноят китоби”ни ёзди.

Қорахонийлар 999 йили Бухорони забт этиб, сомонийлар давлатини ағдаргандан кейин Ибн Сино ҳаётида ташвишли, нотинч ва оғир дамлар бошланди. 1002 йилда унинг отаси вафот этади. Бухорода вазият кескинлашиб, тахт учун кураш 1005 йилгача давом этади. Шу боис Ибн Сино ўз юртини тарк этиб Хоразмга кетади. Бу даврда Хоразм анча тинч бўлиб, иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча ривожланган ўлка эди. Пойтахт Гурганж (Урганч)да эса за-

монасининг кўпгина таниқли (Абу Райҳон Беруний каби) олимлари тўпланганди.

Хоразмшоҳлар Али ибн Маъмун (997 - 1007) ва Маъмун ибн Маъмун (1007 - 1017) илм-фанга эътиборли ҳукмдорлар бўлиб, олимларга илмий ижод учун қулай шароит яратиб берган эдилар. 25 ёшли иқтидорли олим Хоразмда асосан математика ва астрономия билан шуғулланган. Бу соҳада Ибн Ироқ ва Беруний билан бўлган илмий мулоқотлар катта аҳамият касб этади. Ибн Сино Абу Сахл Масихийнинг тиббий тажрибаси ва билимларидан ҳам катта сабоқ олади.

Бироқ Хоразмдаги осойишта ҳаёт узоққа чўзилмайди. Сабаби Шарқдаги қудрати ортиб бораётган ғазна ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий Хоразмга таҳдид солади. Шунинг учун Ибн Сино 1011 йилда Масихий билан биргаликда яширинча Хоразмни тарк этади. Шу вақтдан олимнинг саргардонлик йиллари бошланиб, умрининг охиригача ватандан узоқда ҳаёт кечирришга мажбур бўлади.

Масихий билан Ибн Сино Журжонга кетади. Лекин йўлдаги қийинчиликлар ва сувсизлик туфайли Масихий бетоб бўлиб, вафот этади. Натижада Ибн Сино азоб - укубатлар чекиб, аввал Нисо сўнг Обивард, Тус, Шиққон ва Хуросоннинг бошқа шаҳарларида қисқа муддат турганидан кейин, ниҳоят Каспий денгизининг жанубий - шарқида жойлашган Журжон амирлигига етиб келади. У Журжонда 2 йил (1012 - 1014) яшайди ва Абу Убайд Жузжоний билан танишади. Ибн Сино умрининг охиригача Жузжоний билан содиқ дўст бўлиб қолади ва алломанинг сўнгги дамигача 25 йил давомида бирга бўлади. Ибн Сино таржимаи ҳолининг ёзилиб қолиши, кўпгина асарларининг қўлёзмаси ҳамда уларнинг кейинги авлодларга етиб келишида айнан Жузжонийнинг хизмати беқиёсдир.

Журжондалик вақтида Ибн Сино ҳам илмий ижод билан шуғулланади, ҳам табиблик қилади. “Тиб қонунлари” асарининг дастлабки қисмларини шу ерда яратади.

1014 йилда аллома Рай шаҳрига кўчиб яшайди. Лекин олим Райда ҳам узоқ туролмайди, чунки Маҳмуд Ғазнавийнинг Райга ҳам ҳужум қилиш хавфи бор эди. Шу боис бу ерни ҳам тарк этиб, Ҳамадонга кўчади. Бу улус ҳукмдорини сурункали санчиқ касалидан даволаганидан кейин олимни саройга таклиф қиладилар. У аввал сарой табиби бўлиб ишлайди, сўнг вазирлик мансабига кўтарилади. Давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай илмий ишларини давом қилиб, ўзининг машҳур фалсафий қомуси – “Китобаш-шифо”ни яратади, “Тиб қонунлари”нинг ҳам қолган қисмини ёзиб тугатади.

“Тиб қонунлари” ўзининг асосий дарслик ва қўлланма сифатида қимматини 500 йилдан ортиқроқ вақтгача сақлаб қолди. Биринчи бор бу асар Страсбург шаҳрида 1473 йилда босилиб чиқди. Умуман, Европада 40 мартага яқин нашр қилинган. Унинг нашр этилиш сони бўйича Таврот билан рақобат қилган.

Ўзбекистон шарқшуносларининг самарали изланишлари билан Ибн Синонинг бу шоҳ асарининг 5 та китоби 1954-1961 йилларда Тошкентда нашр этилди.

Ибн Сино Ҳамадонда 1023 йилгача истиқомат қилади ва айрим сиёсий сабабларга кўра шу йили Исфохонга жўнаб кетади. Умрининг қолган 14 йилини шу ерда ўтказди. Шогирди Жузжонийнинг ёзишича, Ибн Сино гарчи, жисмонан жуда бақувват бўлсада, бироқ шаҳарма-шаҳар дарбадарликда юриш, кеча-кундуз тиним билмай ишлаш ва бир неча бор таъқиб қилиниб, ҳатто ҳибсда ётишлар олимнинг саломатлигига жуда таъсир этади, натижада қуланж (колит) касаллигига чалинади.

Ҳамадон юртида ҳам уруш ҳаракатлари бошлангач, буюк табиб қаттиқ бетоблигига қарамай яна сафарга отланади. Йўлда дарди кўзғаб унинг тамомила мадори қуриydi ва оқибатда у 57 ёшида вафот этади. Олим Ҳамадонга дафн этилади.

Буюк аллома Ибн Сино жаҳон фани тарихида қомусий олим сифатида тан олинган, чунки у ўз давридаги мавжуд барча фанларнинг қарийб барчаси билан шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган, лекин бизгача уларнинг 242 таси етиб келган. Шулардан, 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга оид бўлиб қолганлари мантиқ, психология, табиёт, астрономия, математика, мусиқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка бағишланган. Айниқса, унинг тиббиёт ва фалсафага оид китоблари жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима этилиб, асрлар давомида қайта-қайта нашр қилиб келинмоқда.

Гарчи, уни “Авиценна” сифатида ғарбда машҳур қилган тиббий мероси “Тиб конунлари” бўлса, “Шайх-ар-раис” (“Донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи”) номи энг аввал унинг буюк файласуфлигига ишоратдир. Дарҳақиқат, Ибн Сино ўзининг бой ва серқирра илмий мероси билан кейинги давр жаҳон цивилизациясига улкан таъсир кўрсатган буюк алломадир.

Ахборот кутубхона маркази томонидан Ўрта Осиёнинг буюк қомусий олими Абу Али ибн Синога бағишлаб (980-1037) “Шарқ ва ғарб табобати даҳоси” номли библиографик қўлланма тайёрланди. Ушбу тавсиявий рўйхатдан ўқитувчилар, кутубхоначилар, талабалар ва Абу Али ибн Синога ҳаёти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

Абу Али ибн Сино китоблари

Ўзбек тилида

1961

1. Абу Али ибн Сино. Тиб конунлари: 5К. / Абу Али ибн Сино; Муҳарр. С. А. Азимжонова, Тар. У. И. Каримов. – Тошкент: Фан, 1961 (Академия наук). – 349 б.

1980

2. Абу Али ибн Сино. Тиб конунлари: 3К. / Абу Али ибн Сино; Муҳарр. О. С. Содиков, Тар. А. Расулаев. – Тошкент: Фан, 1980 (Фан). – 720 б.

3. Абу Али ибн Сино. Тиб конунлари: 4К. / Абу Али ибн Сино; Муҳарр. О. С. Содиков, Тар. А. Расулаев. – Тошкент: Фан, 1980 (Фан). – 772 б.

1982

4. Абу Али ибн Сино. Тиб конунлари: 2К. / Абу Али ибн Сино; Мухарр. О. С. Содиков, Тар. А. Расулаев. – Тошкент: Фан, 1982 (Фан). – 776 б.

1983

5. Абу Али ибн Сино. Тиб конунлари: 1К. / Абу Али ибн Сино; Мухарр. О. С. Содиков, Тар. А. Расулаев. – Тошкент: Фан, 1983 (Фан). – 546 б.

Рус тилида

1996

6. Канон врачебной науки: В 10 томах 1Т. / Абу Али Ибн Сино; Пер. Ю. Н. Завадовский, Ред. Т. Д. Джураев, Худ. А. Кива. – 3-е изд. – Ташкент: Издательство имени Ибн Сины, 1996 (Ташполиграфкомбинат). – 544 с.

7. Канон врачебной науки: В 10 томах 2Т. / Абу Али Ибн Сино; Пер. Ю. Н. Завадовский, Ред. Т. Д. Джураев, Худ. А. Кива. – 3-е изд. – Ташкент: Издательство имени Ибн Сины, 1996 (Ташполиграфкомбинат). – 368 с.

8. Канон врачебной науки: В 10 томах 3Т. / Абу Али Ибн Сино; Пер. Ю. Н. Завадовский, Ред. Т. Д. Джураев, Худ. А. Кива. – 3-е изд. – Ташкент: Издательство имени Ибн Сины, 1996 (Ташполиграфкомбинат). – 424 с.

9. Канон врачебной науки: В 10 томах 4Т. / Абу Али Ибн Сино; Пер. У. И. Каримов, Ред. Т. Д. Джураев, Худ. А. Кива. – 3-е изд. – Ташкент: Издательство имени Ибн Сины, 1996 (Ташполиграфкомбинат). – 400 с.

10. Канон врачебной науки: В 10 томах 5Т. / Абу Али Ибн Сино; Пер. М. А. Селье, Ред. Т. Д. Джураев, Худ. А. Кива. – 3-е изд. – Ташкент: Издательство имени Ибн Сины, 1996 (Ташполиграфкомбинат). – 408 с.

11. Канон врачебной науки: В 10 томах 6Т. / Абу Али Ибн Сино; Пер. Ю. Н. Завадовский, Ред. Т. Д. Джураев, Худ. А. Кива. – 3-е изд. – Ташкент: Издательство имени Ибн Сины, 1996 (Ташполиграфкомбинат). – 320 с.

12. Канон врачебной науки: В 10 томах 7Т. / Абу Али Ибн Сино; Пер. П. Г. Булгаков, Ред. Т. Д. Джураев, Худ. А. Кива. – 3-е изд. – Ташкент: Издательство имени Ибн Сины, 1996 (Ташполиграфкомбинат). – 320 с.

13. Канон врачебной науки: В 10 томах 8Т. / Абу Али Ибн Сино; Пер. П. Г. Булгаков, Ред. Т. Д. Джураев, Худ. А. Кива. – 3-е изд. – Ташкент: Издательство имени Ибн Сины, 1996 (Ташполиграфкомбинат). – 352 с.

14. Канон врачебной науки: В 10 томах 9Т./ Абу Али Ибн Сино; Пер. М. А. Салье, Ред. Т. Д. Джураев, Худ. А. Кива. – 3-е изд. – Ташкент: Издательство имени Ибн Сины, 1996 (Ташполиграфкомбинат). – 400 с.

15. Канон врачебной науки: В 10 томах 10Т./ Абу Али Ибн Сино; Пер. У. И. Каримов, Ред. Т. Д. Джураев, Худ. А. Кива. – 3-е изд. – Ташкент: Издательство имени Ибн Сины, 1996 (Ташполиграфкомбинат). – 320 с.

Абу Али ибн Сино ҳақида китоблар

Ўзбек тилида

1973

16. Ирисов, А. Абу Али ибн Синонинг Саломон ва Ибсол қиссаси: / А. Ирисов. – Тошкент: Фан, 1973. – 108 б.

Ушбу асарда Абу Али ибн Синонинг шу вақтгача номаълум бўлган “Саломон ва Ибсол” асари ҳақида фикр юритилади. Рисола кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

1980

17. Абдуллаев, А. Ибн Синонинг улуғ ҳаким бўлиб етишувида Хоразм олимларининг роли: / А. А. Абдуллаев. – Тошкент: Медицина, 1980. – 23 б.

Брошюрада Шарқнинг йирик олимларини ўз атрофига тўплаб, Ўрта Осиёлик буюк аллома Абу Али ибн Сино ижодини шакиллантирган илмий марказ (Хоразимшоҳ Маъмун 2 “Академияси”) барпо этган 9-10 аслардаги Хоразм давлати тўғрисида қисқа маълумотлар берилган.

1982

18. Миркарим Осим. Ибн Сино қиссаси: / Миркарим Осим. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. – 96 б.

Ушбу китобчада Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиб берилган.

1990

19. Мадраҳимов А. Ибн Сино шифобахш ўсимликлар ҳақида: / А. С. Мадраҳимов; Ред. Р. Тоирова. – Тошкент: Мехнат, 1990. – 144 б.

Ушбу китобда 120 дан ортиқ ўсимликнинг шифобахшлик хусусиятлари тўғрисида Ибн Сино томонидан берилган таърифлар ҳақида маълумотлар берилган.

2000

20. Қориев, М. Танланган асарлар / М. Қориев Т.2: Ибн Сино: Тарихий роман. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 336 б.

Таниқли адиб Мақсуд Қориевнинг “Танланган асарлари” иккинчи жилдига киритилган “Ибн Сино” тарихий романида буюк ватандошимиз ҳаёти ва илмий фаолиятининг изчил баёни, бош қахрамоннинг ҳалигача номаълум қирралари ширали тилда ёритилган.

2015

21. Халиков, Қ. Ибн Сино одам танаси тузилиши ҳақида: Ибн Синонинг анатомик мероси / Қ. А. Халиков. – Фарғона, 2015. – 272 б.

Ушбу монографияда Ибн Сино анатомик мероси тўлиқ, анатомиянинг барча бўлимлари бўйича, Гален ва Везалий анатомияси билан таққослаб, ҳозирги анатомик терминология тилида баён этиб берилган. Ибн Синонинг одам анатомияси фанига қўшган ҳиссаси ва унинг ўтмишдошлариникидан фарқи кўрсатиб берилган.

Абу Али ибн Сино ҳақида матбуот нашрларида чоп этилган мақолалар

Журналлар Ўзбек тилида

1980

22. Ирисов А. Ибн Сино “поэтика” си / А. Ирисов // Шарқ юлдузи / – 1980. – № 1.

23. Уйғун. Абу Али ибн Сино: [беш пардали шеърӣ драма] / Уйғун // Шарқ юлдузи. – 1980. – № 1.

1991

24. Тўрақулов, Э. Мутафаккирлар ижодида инсонпарварлик: [Абу Али ибн Сино ва Беруний ижодида инсонпарварлик ҳақида] // Э. Турақулов // Совет мактаби. – 1991. – № 2.

2002

25. Носиров, Р. Н. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” инсон ва табиат ҳақида: / Р. Н. Носиров, М. Салимова // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2002. – № 3-4.

2003

26. Носиров, Р. Н. Беруний ва Ибн Сино асарларида кузатув муаммоси: [Кузатув - фаннинг ишончли пойдевори. У турли-туман ходисаларни ўрганиш ва улар мазмунини излаш мақсадида ташқи оламнинг аввалдан белгиланган ва аниқ ечимга йуналтирилган мушоҳадасидир] / Р. Н. Носиров // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2003. – № 1-2.

2004

27. Жакбаров, М. Ибн Сино: Ахлоқни назарий билиш уни билмасликдир / М. Жакбаров // Мулоқот. – 2004. – № 1.

2008

28. Носиров, Р. Сўз ва амал бирлиги: [Ибн Сино оила, жамият ва тарбия ҳақида] / Р. Носиров // Соғлом авлод учун. – 2008. – № 4.

2009

29. Рустамов, И. Ибн Синонинг илмий-фалсафий мероси: [Ибн Сино меросини ўрганиш миллий ўзликни англашда муҳим босқич бўлиб қолади] / И. Рустамов, М. Раҳимқулов // Халқ таълими. – 2009. – № 4.

2010

30. Раҳмонова, Ё. Ибн Сино ақл-тафаккур тарбияси ҳақида: [Улуғ аллома Ибн Синонинг ақл-тафаккур тарбиясига йўғрилган ахлоқий қарашлари моҳияти эътибори билан бугунги кунда ҳам муҳим кадр-қимматга эга] / Ё. Раҳмонова // Халқ таълими. – 2010. – № 2.

31. Каримова, С. Ибн Сино ва замонавий таъбабат: / С. Каримова // Muhofaza+. – 2010. – № 12.

2013

32. Суёнзода А. Инсон, табиат ва табиий офатлар: [Мақолада Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқа қомусий билим ва беназир ақл соҳиби бўлган улуғ аждодларимизнинг табиат ҳақидаги фикрлари ва уларнинг асарлари ҳақида маълумотлар келтирилган] / А. Суёнзода // Muhofaza+. – 2013. – № 2.

2014

33. Сувон Мели. Истиклол фалсафаси ёхуд дунёни маънавият қутқаради: [Мақолада муаллиф Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримовнинг Юксак маънавият-енгилмас куч китобини ўқишдан олган таассуротлари билан ўртоқлашади] / Сувон Мели // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2014. – № 2.

Рус тилида

1981

34. Сулейманова, Ф. К. Ибн Сина и Европейская культура: / Ф. К. Сулейманова // *Общественные науки в Узбекистане*. – 1981. – № 8.

1982

35. Имамходжаева, А. Малоизученный трактат Ибн Сины о душевных силах: / А. Имамходжаева // *Общественные науки в Узбекистане*. – 1982. – № 7.

2011

36. Агзамова, Н. Единство этического и эстетического в представлениях о музыке Аль-Фараби и Ибн-Сино: / Н. Агзамова // *Общественное мнение. Права человека*. – 2011. – № 1.

Газеталар Ўзбек тилида

1980

37. Улуғ инсонпарвар мутафаккир шарафига: [Республика жамоатчилиги вакилларининг Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши] // *Коммуна*. – 1980. – 20 сент.

38. Ҳақимов, Н. Буюк даҳо ҳақида: [Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиги олдидан] / Н. Ҳақимов. // *Коммуна*. – 1980. – 3 сент.

2005

39. Ризамуҳамедова, М. Ибн Сино таълимотида экологик маданият: [Абу Али ибн Сино таваллудининг 1025 йиллигига] / М. Ризамуҳамедова // *Маҳалла*. – 2005. – 16 нояб.

2007

40. Абдусаматов, А. Шарқ табобатида мусиқа: [Абу Али ибн Сино кўп чолғу асбобларини чалишни билган, унинг энг сеvimли чолғуси ғижжак бўлган. У инсондаги турли дардларни даволашда тиббий воситалар билан бирга, муайян куй оханглардан ҳам фойдаланган] / А. Абдусаматов // *Фарғона ҳақиқати*. – 2007. – 18 сент.

41. Имомов, Б. Абу Али Ибн Сино: [Абу Али ибн Синонинг тиббиётга оид асарлари ҳақида] / Б. Имомов // *Туркистон*. – 2009. – 26 сент.

42. Шодиев, С. Ибн Сино авлодлари: Ғазал. [Шифокорларга бағишланган шеър] / С. Шодиев // Постда. – 2009. – 7 нояб.

2010

43. Ибн Синога аталган оғу: [Абу али ибн Сино ҳаётининг охири кунлари ҳақида] // Қалб садоси. – 2010. – март.

44. Бойқулова, Г. Ҳаммомга тушиш ҳикматлари: [Шарқона ҳаммом ва Ибн Сино ўғитлари, ҳаммомда фойдаланиладиган сувлар ва буғланиш қоидалари ҳақида] / Г. Бойқулова // Шифо инфо. – 2010. – 7-13 янв.

2011

45. Рўзиева, Д. Ибн Сино: [Ибн Синонинг маънавий мероси бугун ҳам ўз салмоғига эга] / Д. Рўзиева // Миллий тикланиш. – 2011. – 21 сент.

2013

46. Абу Али ибн Синонинг ўз тилидан ёзиб олинган таржимаи холи: [Ибн Синонинг болалик чоғидан ҳаёти ва ижодиёти ҳақида сўз юритилган] // Қалб садоси. – 2013. – 4 июль.

2014

47. Абу Али ибн Сино – буюк аждодимиз: [Абу Али ибн Сино ҳаёти ҳақида] // ISFAYRAM. – 2014. – 23 нояб.

48. Ҳамроз Али. Буюк аждодимизнинг бебаҳо мероси: [2014 йил 5-6 ноябрь кунлари Бухоро шаҳрида “Ибн Синонинг илмий-маънавий мероси – башарият учун бебаҳо хазина” мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди] / Ҳамроз Али // Қишлоқ ҳаёти. – 2014. – 7 нояб.

49. Каримов, Д. Буюк алломага муносиблик масъулияти: [Инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири Абу Али ибн Сино] / Д. Каримов // Қишлоқ ҳаёти. – 2014. – 4 нояб.

50. Аҳмадалиев, Қ. Абу Али ибн Сино – буюк аждодимиз: [Абу Али ибн Сино ҳаёти ҳақида] / Қ. Аҳмадалиев // ISFAYRAM. – 2014. – 6 дек.

51. Маҳмудов, Н. Буюк аждодларга муносиб бўлиб...: [Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш асраш ва бойитиш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Жаҳон тамаддунига улкан ҳисса кўшган алломаларимизнинг юбилейлари кенг нишонланиб, уларнинг илмий меросини тарғиб этиш ишлари мунтазам равишда йўлга қўйилди. Жумладан Ибн Сино жамоат фонди ўн беш

йилдан буён нафақат мамлакатимизда, балки чет давлатларда ҳам мазкур йўналишда илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келмоқда. Жамоат фонди ижрочи директори Нозимхон Маҳмудов мухбиримизга муассасанинг кенг қамровли ва самарали фаолияти ҳақида гапириб берди] / Ибн Сино жамоат фонди ижрочи директори Н. Маҳмудов, суҳбатни ёзиб олди Ш. Холсаидова // Маърифат. – 2014. – 1 нояб.

52. Раҳимов, Н. Дунёни лол қолдирган олим: [Абу Али ибн Сино ҳаёти ҳақида] / Н. Раҳимов // Табиат кўзгуси. – 2014. – апр.

2015

53. Эрматов, Ш. Шарқ ва Ғарб табобати даҳоси: [Миллий тарихимизнинг ёрқин илмий намояндаларидан бири Абу Али ибн Синонинг илмий мероси ҳақида] / Ш. Эрматов // Фарғона ҳақиқати. – 2015. – 15 авг.

54. Бекжонова, М. Ибн Синонинг буйрак касалликларига оид тавсиялари: / М. Бекжонова // Шифо-Инфо. – 2015. – № 27.

2016

55. Абдураимов, А. Халқаро мукофотга бобомизнинг номи берилди: [Франция миллий тиббиёт академияси ташаббуси билан Ибн Сино номидаги халқаро мукофот таъсис этилди] / А. Абдураимов // Туркистон. – 2016. – 18 июнь.

56. Рўзиева, Д. Ибн Сино мероси – бебаҳо хазина: [Мақолада Ибн Синонинг илмий мероси ва қарашлари ҳақида маълумотлар берилган] / Д. Рўзиева // Миллий тикланиш. – 2016. – 21 сент.

2018

57. Қўлдошева, Д. Бағрингда камол топар ибн Сино авлодлари: [Тошкент Тиббиёт академияси Фарғона филиали ташкил этилганига 26 йил бўлди] / Д. Қўлдошева // Фарғона ҳақиқати. – 2018. – 19 июнь.

2020

58. Ибн Сино ҳикматлари: // Халқ сўзи. – 2020. – 19 март.

59. Бердиев, А. Ҳиндистонда Абу Али ибн Сино ҳақидаги китоб тақдими ўтказилди: / А. Бердиев // Халқ сўзи. – 2020. – 15 окт.

60. Бадантарбиянинг фойдаси: [Ибн Сино бадантарбиянинг фойдаси ҳақида] // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2020. – 15 май.

60. Эргашев, Ф. Буюк алломалар: [Абу Али ибн Сино ва Абу Райхон Беруний ҳақида] / Ф. Эргашев // Ватанпарвар. – 2020. – 3 июль.

61. Ҳақимова, О. Алломага бағишланган роман: [Таниқли адиб Абдужалол Раҳимнинг “Абу Али ибн Сино” романи чоп этилди] / О. Ҳақимова // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2020. – 13 март.

Рус тилида

1999

62. Абдухалимов, Б. Ибн Сино: трактат о политике: / Б. Абдухалимов // Народное слово. – 1999. – 30 нояб.

2006

63. Касимова, Н. Абу Али ибн Сино: “Хорошее воспитание - это сладкий плод будущего”: / Н. Касимова // Учитель Узбекистана. – 2006. – 9 июня.

2010

64. М. Талёб-Бендияб: Наследие Абу Али ибн Сино универсально и принадлежит всему человечеству: // Народное слово. – 2010. – 7 май.

2014

65. Шералиева, Т. Абу Али ибн Сино-великий ученый: [Абу Али ибн Сино оставил богатейшее наследие в области медицины, философии, математики, литературы. В Ферганском политехническом институте состоялась научно-просветительская конференция, посвященная жизни и научной деятельности великого ученого] / Т. Шералиева // Ферганская правда. – 2014. – 20 нояб.

66. Бурханов, К. Изучение наследия Авиценны: [В Бухаре прошла научно-практическая конференция “Наследие Ибн Сины-сокровищница мировой цивилизации”] / К. Бурханов // Правда Востока. – 2014. – 8 нояб.

Тузувчи: Г.Валиева